

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-192  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил “7” декабрь даги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўкув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:**

“Кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш”  
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,  
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:  
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц.  
М.Дехканова

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули:  
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”  
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,  
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева

“Мутахассислик фанлари” модули: т.ф.д., проф. Ш.У.Йўлдошев,  
т.ф.д., доц. А.К.Игамбердиев, т.ф.н., доц. З.Ш.Шарипов, т.ф.н., доц.  
А.Р.Муратов, т.ф.н., доц. И.Ж.Худаев, т.ф.н., доц. Н.К.Усманов,  
қ.х.ф.н., доц. Н.Э.Саттаров, PhD, доц. Ф.Т.Бекмирзаев

**Тақризчилар:**

т.ф.н., доц. З.Ш.Шарипов, ТИҚҲММИ

**Хорижий эксперт:** PhD, доц. Божан Дурин, Загреб университети,  
Хорватия

*Ўкув дастури Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институти Кенгашининг қарори билан тасдиқча тавсия қилинган*

*(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли баённома).*

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида бериладиган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг професионал фаолиятидаги инновациялар**

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий професионаллигини ошириш.

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлари**

- 3.1. Мелиоратив техникалар ва технологиялар экспертизаси.
- 3.2. Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш машиналари парки.
- 3.3. Қишлоқ ва сув хўжалигига техник сервис.
- 3.4. Машина трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари.

### **IV. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га кўйидагилар киради:

- “Қишлоқ ва сув хўжалигига техник сервис” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараённига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Қишлоқ ва сув хўжалигига техник сервис” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

#### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий професионаллигини ошириш”, “Таълим жараённига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ ва сув хўжалиги маҳсулотлари этиштиришда (вилоят, фермер, кластер ва маҳсулот этиштиридиган обьектлари) фойдаланилаётган техникалар таркиби, энергетик ва ишчи машиналарининг сони ва бугунги ҳолати таҳлили, ривожланиш истиқболларини;
- маҳсулот этиштирадиган обьектлардаги мавжуд техникалардан фойдаланиш самодорлигини ошириш имкониятларини;
- маҳсулот ишлаб чиқарадиган обьектларининг табиий шароитларига (ер майдонларининг ўлчами, рельефи, тупроқ тури ва унинг маҳаник таркиби,

етиштирилаётган маҳсулотлар тури, ҳосилдорлиги ва ш.к) мос техник тизимни замонавий АКТдан фойдаланиб математик дастурлар асосида прогнозлашни;

- прогнозлаш асосида шаклланган техних тизимни техник иқтисодий таҳлили ва уларнинг қийматларини оптималлаштиришни;

- технологик жараёнларни бажариш муддатларини ва давомийлигини асослаш мезонларини;

- машина-трактор агрегатлари учун бажарилиши лозим бўлган иш ҳажми ва ёқилғи сарфи меъёрларини аниқлаш усулларини;

- техник сервис объектларини вилоят, туманлар кесимида жойлашишларини иқтисодий кўрсаткичлари бўйича асослашни;

- Техник сервис, таркиби ва уларни ташкиллаштириш. Техник хизмат турларини ўtkазиш муддатларини асослаш назарияси. Техник сервис турларини аниқлашда техник диагностикани рўли ва уни амалда бажарилишини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- республикамида ишлаб чиқарилган ва чет мамлакатлардан келтирилган техникалардан ҳудудларнинг табиий шароитига мос келадиганларини аниқлаш мезонлари;

- технологик жараёнларни бажаришга ресурс тежамкор агрегетларни танлаш ва уларни оптимал таркибини аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш усуллари;

- жами ва ҳар бир технологик жараённи бажариш учун энергетик воситаларни техник потенциалидан тўлиқ фойдаланиш, майдон тупроғини зичланишини олдини олиш, комплекс агрегатлардан фойдаланиш, яхлит техник тизимининг оптимал таркибини асослаш;

- техник сервис марказларини оптимал жойлаштириш ва уларни хизмат кўрсатиш радиусларини аниқлаш, диагностика асосида техник хизмат турларини ўtkазиш муддатларини ва манзилларини аниқлаш;

- техник сервисда фойдаланилаётган замонавий жиҳоз ва тизимларининг тузилиши ва уларни аниқ шароитда қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим;

#### **Тингловчи:**

- фермер ва кластерлар томонидан маҳсулот етиштириладиган табиий шароитлари кўрсаткичлари асосида агрегатларни тури ва таркибини аниқлаш ва уларни оптимал параметри ва иш режимида фойдаланиш, энергия ва маблағ сарфларини камайтириш;

- технологик жараёнларни бажаришни оптимал муддатлари ва давомийлигини турли мезонлар (критерия) ёрдамида асослаш;

- маҳсулот етиштиришда қўлланилаётган техникаларнинг оптимал сони ва таркибини аниқлаш;

- ишлаб чиқариш объектларини ривожланиш режалари асосида энергетик воситаларини оптимал техник ва иқтисодий кўрсаткичларини математик дастурлаш асосида аниқлаш ва замонавий электрон воситаларидан фойдаланиш;

- мавжуд техник тизимга сервис хизматларни ташкил этиш ва уларнинг оптимал масофада амалга ошириш, энг кам харажатларга эришиш;

- техник сервис, жумладан диагностика ўtkазиш жиҳозлари таркибини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликлари ва кластерларни табиий шароитлари кўрсаткичларини қийматларини аниқлаш ва шу

шароитга мос бўлган техник тизимни яратиш, ресурс тежамкор агрегетлардан оптималь фойдаланиш;

- техноложик жараённи бажариш учун автоматик курилмалар ва комплекс агрегетларни қўллаш;

- мураккаб муҳандислик ҳисобларини ўтказишида замонавий ҳисоблаш техникалардан фойдаланиш ва уларни математик дастулар асосида бажариш;

- техник сервис марказларини жойлашиш манзилларини ҳисоблаш, техник хизмат тулари ўтказиладиган обьектларни, зарурый жиҳозлар тури ва сонини аниқлаш, энг кам экспулутацион харажатларга эришиладиган хизмат кўрсатиш радиусини асослаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган обьектларни ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича экин экиш майдонларини оптimal ўлчамларини аниқлай олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ТЕХНИК СЕРВИС” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

#### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

##### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмунни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълимтарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмuni ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг хуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш обьектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-loyiҳalарни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

## **1.3. Педагогнинг касбий професионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмuni. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (войиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнинг рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиилар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиилар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологииларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиилар»дан фойдаланиш. Булутли технологиилардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

### **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) қўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оиласвий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиилар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

### **3.1. Мелиоратив техникалар ва технологиилар экспертизаси**

Мелиоратив ва сув қурилиш хўжалиги жараёнларини бажаришда фойдаланиладиган инновацион техника ва технологияларини экспертизялашнинг назарий асослари. Республикаизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган сув қурилиш хўжалиги ва мелиоратив ишларни бажаришда қўлланиладиган техникаларни мамлакатимизнинг ҳудудий шароитларига мос келишини аниқлаш, уларни синаш жараёнларини ўтказиш тартиби ва қоидалари. Мавжуд техник тизимларни экспертизасини ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш. Ҳудудлар шароитида ва яхлит мамлакатимизда режалаштирилган мелиоратив ва сув қурилиш хўжалиги ишларини бажариш учун зарур бўлган техник тизимни ва уни таркибини экспертизадан ўтказиш. Мелиоратив ишларни бажариш ва сув хўлагиги қурилишларида техникалар мажмуасига техник сервисни ташкил этиш, техник хизмат кўрсатиш қурилмалари ва жиҳозларини техник ҳолатини экспертизацидан ўтказиш.

### **3.2. Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш машиналари парки**

Ҳудудларда режалаштирилган мелиоратив ва сув қурилиш хўжалигидаги технологик жараёнларни бажаришда фойдаланилаётган техникалар ва технологияларни мониторингини ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш. Ҳудудларни табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда замонавий, инновацион техника технология бўлган талабни асослаш назарияси. Мелиоратив ва сув қурилиш объектларини оптималь жойлаштириш, йил давомида бажариладиган технологик жараёнлар турлари, иш ҳажмлари ва муддатларини аниқлаш. Фойдаланиладиган техник тизимнинг таркибини ҳамда унинг техник-иктисодий кўрсаткичларини аниқлашнинг математик моделларини яратиш. Мелиорация ишларини бажаришда объектнинг табиий ишлаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда агрегатларни оптималь параметр ва ҳаракат режимини асослаш. Йил давомида бажарилиши режалаштирилган мелиоратив ва сув қурилиш хўжалигига зарур бўлган машина-трактор парки ва уни таркибини прогнозлаш, натижаларни таҳлил қилиш ва математик моделни ишончлилик даражасини аниқлаш.

### **3.3. Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис**

Қишлоқ ва сув хўжалиги машиналарини, технологик жиҳозларни ишлатишни, уларга техник сервис кўрсатиш бўйича замонавий методларини қўллаш. Қишлоқ ва мелиорация машиналари, технологик жиҳозларнинг ишчи жараёнлари моделларини ишлаб чиқиши. Қишлоқ ва сув хўжалиги ишларини механизациялашда ишлатиладиган асбоб, ускуна, жиҳозларни ишлатиш. Қишлоқ ва сув хўжалигида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва чет элдан келтирилиб ишлатилаётган замонавий инновацион техника ва технологияларни иқлим шароитидан келиб чиқиб ишлатиш, уларга техник сервис кўрсатиш хусусиятлари. Машиналарга техник сервис кўрсатишни илгор, ҳамда ресурстежамкор технологияларини қўллаш. Қишлоқ ва сув хўжалиги машиналари, технологик жиҳозларни синаш ва камчиликларни бартараф этиш. Қишлоқ ва сув хўжалиги машиналарини, технологик жиҳозларни йиғиш, созлаш, ишлатишга тайёрлаш, самарали фойдаланиш. Техник сервис ва таъмирлаш бўйича намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва қўллаш.

### **3.4. Машина трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари**

Фермер хўжаликларида ва кластер тизимида фойдаланилаётган техникалар мониторинги. Объектларни техника билан таъминланган дарражаси ва энергия билан

қуролланганлик кўрсаткичлари. Техник тизимни ишончлилиги ва табиий шароитга мослиги. Технологик жараёнларни бажариш муддатларини аниқлаша қўлланиладиган мезонлар (критериялар), ҳудудларнинг табиий ишлаб чиқариш шароити мониторинги ва шу шаоитларга мос келадиган инновацион техника ва технологияларни ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш асослари. Технологик жараёнларни бажарадиган инновацион техникаларни оптимал параметр ва ишлаш режимларини аниқлаш бўйича математик дастурларни яратиш ва ЭХМдан фойдаланиб амалга ошириш. Инновацион техникалардан яхлит-техник тизимдан фойдаланишда бўладиган экспулатацион ва келтирилган харажатлар, уларнинг қийматларини прогнозлаш. Техник тизимга сервис кўрсатадаган марказларни оптимал жойлашириш ва уларга зарур бўлган жиҳозларни асослаш. Техник сервисда бўладиган меҳнат, маблағ сарфлари ва уларни камайтириш йўллари. Комплекс агрегатлардан ва автоматик тизимдан ва жиҳозлардан фойдаланиш иқтиқболлари.

#### **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

##### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

##### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш куйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъододли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хulosалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараённида тингловчи қўйидаги билим ва кўникумларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўкув машғулотларининг ҳар хил турлари (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникумаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

#### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

17. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
18. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. - 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
19. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмийтадқиқот маркази” нашриёти, 2019. - 312 б.
20. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. - 112 б.
21. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
22. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкива Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.
23. Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016. -279 б.
24. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараённида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. - 60 б.
25. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017. - 256 с.
26. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012. - 319 с.
27. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
28. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
29. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. - 120 б.
30. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
31. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010. – 204 б.
32. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. – 183 б.
33. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. – 191 б.
34. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. – 175 б.
35. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account, 2015. - 134 pp.
36. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
37. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

#### **IV. Интернет сайтлар**

38. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
39. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
40. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
41. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiришни ташкил этиш хамда  
мувофикаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш мухандислари институти  
Ректор \_\_\_\_\_ Ў.П.Умурзаков  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш мухандислари институти  
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ  
маркази

Директор \_\_\_\_\_ Ф.Т.Бекмирзаев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

